

# КАТТАЛАР ТАЪЛИМИНИНГ БУГУНГИ КУНДА ДОЛЗАРБЛИГИ

С.Ачилова, СамДУ магистранти

## Аннотация

*Ушбу мақолада катта ёшдаги инсонларни ўқитиш жараёнини ташкил қилишда янги ёндошувларга бўлган зарурат ва катталар таълими аҳамиятининг ўсиб бориши, «Андрогогика» тушунчаси ҳақида фикр юритилган.*

Ҳозирги жадал ривожланиш даври инсонларни ёши ва эгаллаган касбидан қатъий назар замон билан ҳамнафас бўлиш учун жуда кўп ахборотларни билишга, ўқиб-ўрганишга ундайди.

Инсонда бунинг учун жисмоний, руҳий имкониятлар чекланмаган. Аммо, катта ёшдагиларнинг ёшликда эгаллаган билим, кўникма, малакалари етарли ҳисобланмайди. Шу сабабли улар бутун умрлари давомида ўқишни давом эттиришлари зарур.

Катта ёшдагиларнинг таълими етарлича йўлга қўйилмаганлиги туфайли улар фаол ҳаётдан узоқлашиб қолмоқдалар. Бу ҳолат жамият учун ортиқча муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ҳозирги кунда катта ёшдаги инсонларни ўқитиш жараёнини ташкил қилишда янги ёндошувларга бўлган зарурат ва катталар таълими аҳамиятининг ўсиб бориши алоҳида сезилмоқда.

ЮНЕСКО ташкилотининг материаллари бўйича, катталар таълимининг устувор вазифаси – инсонни замонавий тезкор ривожланаётган жамиятда ижодий фаолият ва қувончли ҳаёт учун зарур бўлган билим ва кўникмалар мажмуаси билан таъминлашдир. Бунда сўз инсонни меҳнат қилувчи, фуқаро, шахс сифатида унинг бутун умри давомида тўхтамасдан ривожланиши тўғрисида кетмоқда.

XX асрнинг ўрталарига келиб, катталар таълими тўғрисида махсус фанни яратишга бўлган эҳтиёж сезила бошлаган, бу вақтга келиб, дунёнинг турли мамлакатларида катталар таълимини ташкил этишда катта амалий тажриба, катта ёшдаги таълим олувчиларнинг алоҳида хусусиятлари ва уларни ўқитиш жараёни тўғрисида кузатувлар тўпланган эди. Таълим соҳасида янги илмий фан – андрогогика катталар таълими муаммолари билан шуғулланувчи фан шакллана бошлади.

«Андрогогика» тушунчаси истеъмолга немис педагогика тарихшуноси А.Капп томонидан киритилган. У педагогика сўзига ўхшаш тузилган бўлиб, грек тилидан келиб чиққан (андрого-эркак, одам; агогейн-олиб бориш, етаклаш). Сўзма-сўз таржима қилинганда андрогогика – бу «катта ёшли одамни бошқариш, етаклаш»ни билдиради. Бу атама педагогик воқеъликдан вужудга келган экан, унда сўз катта ёшдаги одамни таълим орқали бошқариш, етаклаш тўғрисида боради.

Андрогогика асосларини узил-кесил шакллантириш 1970 йилларда америкалик олим М.Ш.Ноулз, англиялик П.Джарвис, америкалик Р.М.Смит ва Ноттингем университетининг бир гуруҳ олимлари томонидан амалга оширилган. 1970 йилда М.Ш.Ноулз андрогогика бўйича «Катталар

таълимининг замонавий амалиёти», «Андрогогика педагогикага қарши» номли фундаментал асарини нашрдан чиқарди.

Шу ўринда биз андрогогика ҳақида кенгроқ тўхтаб, тушунчалар бериб ўтмоқчимиз. Андрогогикани турли хил воситалар нуқтаи назаридан кўриб чиқиш мумкин: илмий билим, ижтимоий амалиёт, ўқув предмети соҳаларини.

Андрогогиканинг асосий функцияси – катта ёшли одамни бошқариш, етаклашдир. Бунинг учун бошқарилаётган, етакланаётган одамнинг табиати ва хусусиятларини билиш лозим. Шунинг учун андрогогиканинг илмий билимларнинг фан тизимига кирган бошқа соҳалари билан яқин алоқалари ўрганилиши зарур. Андрогогикага машҳур Россия психологи Б.Г.Ананьев **инсоншунослик** деб таъриф берган.

Андрогогик билим, тўла мустақил билим соҳаси бўлиб, катта ёшдаги кишиларнинг ўзаро ҳаракатлари тизимида ўқитиш билан боғлиқ муаммоларга диққатни жамлаган ҳолда алоҳида функцияни бажаради. Андрогогик билимнинг илмий контексти қуйидаги категорияларни кўриб чиқиш билан аниқланади:

- инсон (унинг, вояга етган деб тавсифланган ҳаёт фаолияти давомида бир бутунлиги);
- вояга етганлик (катта ёшдаги одамнинг хусусиятларини ўқитиш субъекти сифатида кўриб чиқишнинг ёш ва ижтимоий кўламини белгиловчи сифат);
- катталар таълими (узлуксиз таълим доирасида вариатив шаклда амалга оширилувчи инсоннинг касбий-шахсий шаклланиш жараёни);
- узлуксиз таълим (инсоннинг бутун ҳаёт фаолиятига нисбатан кўриб чиқиладиган таълим);
- андрогог (фаолиятининг мазмуни катталарни ўқитиш соҳаси билан боғлиқ бўлган мутахассисларнинг умумий номи).

Андрогогика – катталарни ўқитиш амалиётини ўрганувчи ва умумлаштирувчи фан сифатида катта ёшдаги одамларнинг таълимий мақсадларини асосланган ҳолда ривожлантирувчи, ижтимоийлаштирувчи ва мослаштирувчи ролини таъминлашга ёрдам берувчи тамойиллар, методлар ва воситаларни яратади. Шундай қилиб, андрогик тайёргарлик бутун умр давомида таълим муаммоси ечимини ҳал қилади ва бугунги куннинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади.

"Иқтисодиёт ва халқимиз ҳаёт сифатини юксалтиришда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари" мавзусидаги республика анъанавий илмий-амалий конференцияси МАТЕРИАЛЛАРИ. (V-қисм). (2015 йил 2021-февраль). Самарқанд -2015.